

NAZORAT-AUDIT

AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

**«Farg`ona issiqlik elektr markazi» АЖнинг 2020 йил якуни бўйича тузилган
молиявий хисоботиغا ижобий фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Farg`ona issiqlik elektr markazi» АЖ таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

МЧЖ «NAZORAT-AUDIT»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал кучаси 11/2.
Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 150 23 01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан
ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 11.12.2007 йилда № 545 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 11.04.2019 йилда берилган
«Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича
аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи-серия АФ №
000811Лицензияга эга.

Хисобрақами: 20208000604007713001 ХАТБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО-
01046, СТИР 202884570, ИФУТ 69202. email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web:
www.nazorat.uz.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган №
05207-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

«Farg`ona issiqlik elektr markazi» АЖ

Ўзбекистон Республикаси, Фарғона шаҳри, Саноат кўчаси, 40 уй. Почта индекси:
150106. Тел.(8373242-72-81, 242-99-03.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон
Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар Ҳокимлиги хузуридаги
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан
08.07.2015 йилда №793-А сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган ва
гувоҳнома олган.

Хисоб рақами: Х/р 20 210 000 900 215 451 001, Фарғона шаҳар АКБ
«Ўзсаноатқурилиш банк» Фарғона филиали, МФО 00494 Код МШ - 144, Код ТХШ
- 151, Код МХОБТ – 1730401, Код КТУТ - 00133379, ИФУТ – 35111.

ИНН: 200202146

Жамият раҳбари: Хамидов Э.И.

Асосий фаолият тури: 35111 – Иссиқлик электростанцияларида электро энергия
ишлаб чиқариш

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Умаров Рахимжон Алиевич, CAP, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 30.07.2016 йилда берилган № 4976 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «Farg`ona issiqlik elektr markazi» АЖ ўртасида 14.04.2021 йилда тузилган 40/04-21 сонли шартномага асосан «Farg`ona issiqlik elektr markazi» АЖнинг 2020 йил 31 декабр ҳолатига тақдим этилган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2-шакл, «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» – форма № 4-шакл, «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» – форма № 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Farg`ona issiqlik elektr markazi» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Farg`ona issiqlik elektr markazi» АЖнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»

Аудиторлик ташкилоти



Директори

Аудитор

27.04.2021 й

Б.Назаров.

Р.Умаров